

Date: 19th July-2026

**НОМУСГА ТЕГИШ ЖИНОЯТИНИ ОБЪЕКТИ ВА ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ
БЕЛГИЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ.**

Асқаров Умиджон Аслиддинович

Мустақил тадқиқотчи

E-mail: Umidjon077@gmail.com

Тел: +998916741177

Жинсий муносабатлар инсоният ҳаётининг ажралмас қисмини ташкил қилиб, жамиятда бундай муносабатлар ҳуқуқнинг турли соҳалари (*жумладан, оила, фуқаролик ёки бошқа қонун нормалари билан*) ҳамда ахлоқ норма ва қоидалари асосида тартибга солинади. Жиноят ҳуқуқи жинсий муносабатларни тартибга солмайди, балки у инсоннинг табиий ҳуқуқлари ва жамиятда шаклланган жинсий ахлоқ принципларини бузувчи қилмишлар содир этилишини тақиқлайди. Шу билан бирга, жиноят ҳуқуқи инсоннинг жинсий эркинлиги, дахлсизлиги ҳамда жинсий ахлоқнинг асосий принципларига тажовуз қилувчи қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгилайди.

Юридик адабиётларда жинсий эркинлик ва жинсий дахлсизлик тушунчалари фаркланади. *Жинсий эркинлик деганда*, ақли расо ва муайян ёшга етган шахснинг жинсий муносабатлар соҳасидаги эҳтиёжларини уз ихтиёри буйича амалга ошириш ҳуқуқи тушунилади. Бундан ташқари, жинсий эркинлик ҳар қандай шахс ўзининг жинсий эҳтиёжини ким билан қандай усулда қондиришини ўзи хал қилиш ҳуқуқига эга эканлигини англатади. *Жинсий дахлсизлик деганда*, ҳар қандай шароитда 16 ёшга тулмаган шахс билан жинсий муносабатларга жалб этилмаслик ҳуқуқи тушунилади. Жинсий дахлсизлик - жинсий эркинликнинг бир қисмини ташкил этади, шу боис унга қаратилган зўрлик ишлатиш доим жинсий эркинликнинг бузилишига олиб келади.

Жинсий эркинликка қарши жиноятлар деганда, Жиноят содекси нормалари билан тақиқланган жинсий муносабатларнинг нормал тартиби ва эркинлигига тажовуз қилувчи ҳамда жинсий ахлоқнинг асосий принципларини бузувчи ижтимоий хавфли қилмишлар тушунилади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қура ҳар бир инсонга унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шу жумладан, жинсий эркинлик ва жинсий дахлсизликка бўлган ҳуқуқи ҳимояси кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қура ҳар бир инсонга унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шу жумладан, жинсий эркинлик ва жинсий дахлсизликка бўлган ҳуқуқи ҳимояси кафолатланади.

Жинсий эркинликка қарши жиноятлар орасида номусга тегиш жинояти кенг тарқалган ва ижтимоий хавфлилиги юқори бўлган жиноят сифатида баҳоланади. Жиноят кодексининг 118-моддасида номусга тегиш жинояти учун жавобгарлик назарда тутилган.



Date: 19th July-2026

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги «Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни гайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти туғрисида» ги 13-сонли қарорида номусга тегиш жиноятига қўйиладиган таъриф берилган, яъни *номусга тегиш деганда*, аёл жинсидаги шахс билан унинг эркига қарши ёки эркидан ташқари зўрлик ишлатиб, қўрқитиб, ёхуд жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, табиий усулда жинсий алоқа қилиш тушунилиши лозим.

Таҳлил этилаётган жиноятнинг *турдош объекти* шахснинг жинсий эркинлиги ва жинсий муносабатларнинг нормал тартиби ҳамда умумэътироф этилган жинсий муносабатларнинг ахлокий принципларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар йигиндиси ҳисобланади. Бундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, таҳлил этилаётган жиноятнинг *бевосита объекти* аёл жинсидаги шахснинг жинсий эркинлиги ҳисобланади. Агар номусга тегиш ёш бола, вояга етмаган ёки ожиз аҳволда қолган аёлга нисбатан содир этилган бўлса, у ҳолда жиноятнинг бевосита объекти жинсий дахлсизлик ва жиноятнинг қўшимча объекти сифатида вояга етмаган шахсларнинг ахлокий тарбияланиши ва нормал жисмоний ўсишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар намоён бўлади.⁹

Номусга тегиш жиноятида айбдор бўлган шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилишда унинг жабрланувчи билан номусга тегиш тарзидаги жинсий алоқа содир этилгунга қадар бўлган муносабатлари ҳеч қандай аҳамият касб этмаслиги инобатга олиниши лозим. Номусга тегишда аёл ва эркак ўртасида юзага келган табиий жинсий алоқа назарда тутилади. Шу боис, эркак ва аёл ўртасида юзага келган жинсий алоқа гайритабиий усулда амалга оширилган бўлса, бундай қилмиш Жиноят кодекси 118-моддасида назарда тутилган жиноят таркибини ташкил этмайди.

Таҳлил этилаётган жиноятнинг *объектив томони* жабрланувчининг ихтиёрига зид равишда унга нисбатан зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб жинсий алоқа қилишда ифодаланади. Бундан ташқари *объектив томони* айбдорнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракатларида ифодаланади. Жиноятлар тузилишига кўра формал таркибли ҳисобланади. Шу боис, жинсий эркинликка қарши жиноятлар ижтимоий хавфли қилмиш содир этилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Мазкур турдаги жиноятларни туғри квалификация қилиш учун айбдорнинг ижтимоий хавфли қилмиш ва келиб чиққан оқибатлар ўртасида сабабий боғланишни аниқлаш керак.

Зўрлик ишлатиш деганда, жабрланувчининг қаршилигини енгиласан қаратилган ҳаракатларни содир этиш, масалан, зарбалар бериш, нафас йулларини сиқиш, оёқлари, қўлларини ушлаб туриш, кийимларини йиртиш ва ҳоказолар

⁹Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг «Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни гайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти туғрисида» ги 2010 йил 29 октябрь 13-сонли қарори. — Т., 2010



Date: 19th July-2026

тушунилади. Бунда зўрлик жисмоний ёки руҳий зўрлик хусусиятида намоён булиши мумкин.

Жисмоний зўрлик уриш-дўппослаш, боғлаш, ёрдамга чакириш ёки каршилиқ курсатиш имкониятидан махрум қилган ҳолда куч билан ушлаб туриш, соғлиғига зарар етказишда намоён булиши мумкин. Бундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, жисмоний зўрликда жабрланувчи танасига таъсир утказилади. Шу билан бирга, жисмоний зўрлик жабрланувчининг ички органларига таъсир утказиш йули билан ҳам содир этилиши мумкин. Масалан, жабрланувчига захарловчи, кимёвий моддалар, гиёхвандлик моддалари ёки психотроп воситалари бериш йули билан унинг қаршилигини енгиб номусга тегиш.

Рууий зўрлик деганда, айбдорнинг жабрланувчи билан жинсий алоқа қилиш каби жиноий натижасига эришиши учун жабрланувчининг иродасини буйсундириш мақсадида унинг руҳиятига ҳар қандай таъсир утказиш тушунилади.

Руҳий зўрлик жабрланувчининг ўзини, фарзандлари ва яқин кишиларининг ҳаёти ёки соғлиғига дарҳол зарар етказишга қаратилган тажовузкорона ҳаракатларни амалга ошириш билан қўрқитишда ифодаланади. Номусга тегиш жинояти содир этилишида қўлланилган руҳий зўрлик жабрланувчи томонидан аниқ хавф сифатида қабул қилиниши керак. Номусга тегиш жиноятида

қўлланилган ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ушбу жиноят таркиби билан тўлиқ қамраб олинади. Шунинг учун бундай ҳолда қилмишни Жиноят кодекси 112-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

Жисмоний ёки руҳий зўрлик нафақат жабрланувчига нисбатан балки, аёлни зўравонлик содир этаётган шахс тажовузлариданҳимоя қилиш, бошқаларни ёрдамга чакиришга интилаётган бошқа шахсларга нисбатан ҳам содир этилиши мумкин. Бироқ бундай ҳолатларда айбдор томонидан қўлланилаётган зўрликнинг мақсадини аниқлаш керак. Агар бошқа шахсларга нисбатан қўлланилаётган зўрлик натижасида айбдор жабрланувчининг қаршилигини енгиш ва бундай йул билан жинсий алоқа қилишга розилик беришга мажбур қилган бўлса, қилмиш Жиноят кодекси 118-моддаси таркиби билан қамраб олинади. Агар бошқа шахсларга нисбатан қўлланилаётган зўрлик қўтилмаган гувоҳ ёки жабрланувчининг ҳимоячиларини йўқ қилиш мақсадида қўлланилган бўлса, қилмиш келиб чиққан оқибатга қараб ҳаёт ёки соғлиққа қарши жиноятлар билан биргаликда квалификация қилиниши керак.

Зўрликнинг ҳар иккала шакли жинсий алоқа содир этилиши билан ифодаланиши лозим.

Номусга тегиш пайтида жабрланувчига енгил ёки уртача оғир шикаст етказилиши тегишлича Жиноят кодекси 118-моддаси диспозицияси билан қамраб олинади ва Жиноят кодекси 105, 109-моддалари билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди. Агар номусга тегиш пайтида жабрланувчига оғир шикаст етказилса, айбдорнинг ҳаракатлари Жиноят кодекси 118 ва 104-моддасининг тегишли қисмлари билан жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилинади.

Date: 19th July-2026

Номусга тегиш албатта жабрланувчининг эркига, ихтиёрига қарши равишда амалга оширилган бўлиши лозим. Алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилиш ёки шунга ўхшаш бошқа усуллар билан жабрланувчини жинсий алоқа қилишга кўндирган шахснинг ҳаракатлари Жиноят кодекси 118-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин эмас.

Кўрқитиш деганда, жабрланувчининг қаршилигини енгиш мақсадида унга жисмоний зўрлик ишлатиш нияти аниқлигини ифодаловчи ҳаракатлари ёки сўзлар билан кўрқитиш тушунилади. Айни пайтда агар ўлдириш, зўрлик ишлатиш ёки мол-мулкни ёкиб юбориш, портлатиш ёки бошқа атрофдагилар учун хавфли усулданобуд қилиш билан таҳдид этиш номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш жинояти содир этилгандан кейин, масалан, жабрланувчини кўрқитиш ва воқеа ошкора бўлишининг олдини олиш мақсадида билдирилган бўлиб, бундай таҳдид амалга оширилишидан хавфсирашга дойр етарли асослар мавжуд булса, қилмиш Жиноят кодексининг қайд этилган жиноятлар учун жавобгарликни назарда туғувчи моддалари ва Жиноят кодекси 118-моддаси ёки 119-моддасининг тегишли қисми мажмуи буйича квалификация қилиниши лозим. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, зўрлик, таҳдид барча ҳолларда жинсий алоқа ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришдан олдин содир этилган бўлиши керак ва нафақат жабрланувчига, балки унинг яқин қариндошларига ҳамда жабрланувчида уларга нисбатан муайян масъулият мавжуд шахсларга нисбатан (масалан, ўқитувчи - ўқувчиларга, тарбиячи - тарбияланувчиларга нисбатан ва ҳ.к.) ҳам қўлланилган бўлиши мумкин.

Айни пайтда агар ўлдириш, зўрлик ишлатиш ёки мол-мулкни ёкиб юбориш, портлатиш ёки бошқа атрофдагилар учун хавфли усулда нобуд қилиш билан таҳдид этиш номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш жинояти содир этилгандан кейин, масалан, жабрланувчини кўрқитиш ва воқеа ошкор бўлишининг олдини олиш мақсадида билдирилган бўлиб, бундай таҳдид амалга оширилишидан хавфсирашга доир етарли асослар мавжуд бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг қайд этилган жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари ва ЖК 118-моддаси ёки 119-моддасининг тегишли қисми мажмуи буйича квалификация қилиниши лозим.

Ожиз аҳвол деганда, жабрланувчининг шундай аҳволи тушунилиши керакки, бундай пайтда у узининг физиологик, жисмоний ёки руҳий ҳолати (жисмоний нуқсони, руҳияти бузилганлиги, касаллиги, қаттиқ оғриқ ёки беҳушлик ҳолати, алкохол, наркотик воситалар ёки психотроп моддалар таъсирида ўта мастлик ҳолати)га кўра, узини химоя қилиш, айбдорга қаршилиқ кўрсатиш ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатлар хусусияти ва моҳиятини тушуниш ёки ҳаракатларини бошқариш имкониятига эга булмайди. Бунда айбдор жабрланувчи оғир аҳволда эканлигини англаган бўлиши шарт. Ожиз аҳвол сифатида, жумладан, алкохол ичимликлар, наркотик воситалар ёки психотроп моддалар таъсирида келиб чиққан шундай даражадаги мастлик ҳолати тан олинishi мумкинки, бунда



Date: 19th July-2026

жабрланувчи атроф-вазиятни англай олмаган ва бу ҳолат уни айбдорга қаршилиқ кўрсатиш имкониятидан маҳрум қилган бўлади. Иш буйича жабрланувчи бундай ҳолатларга айбдор томонидан туширилганлиги (масалан, спиртли ичимликлар ичирган, гиёҳванд воситаси берган ва ҳ.к.) ёки айбдорнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган тарзда ожиз аҳволда бўлганлиги ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Жабрланувчини ожиз аҳволга солиш учун айбдор томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп, кучли таъсир этувчи, захарли ёки одамнинг акл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддалар қўлланилганлиги туғрисида маълумотлар мавжуд бўлганда, уларнинг хусусияти ва инсон организмига таъсири даражаси экспертиза тайинлаш, мутахассисларни сурок қилиш йули билан аниқланиши лозим. Агар экспертиза натижаларига кура, айбдор томонидан тайёрланиши, қайта ишланиши, олиниши, сакланиши, ташилиши, жўнатилиши ёки ўтказилиши учун жиноий жавобгарлик белгиланган воситалар ёки моддалардан фойдаланилганлиги аниқланса, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг қайд этилган жиноятлар учун жавобгарликни назарда тугувчи моддалари ва Жиноят кодекси 118-моддасининг тегишли қисми мажмуи буйича квалификация қилиниши лозим.

Номусга тегиш тузилишига кура формал таркибли жиноят бўлганлиги боис, жинсий алоқа бошланган вақтдан бошлаб, қандай оқибат келиб чиқишидан қатъий назар тугалланган (ЖК 118-м. 3-к. «а» банди бундан мустасно) ҳисобланади. Агар айбдор ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда жабрланувчи билан жинсий алоқага киришмаган бўлса, қилмиш жиноятга тайёргарлик ёки суиқасд қилиш тариқасида баҳоланади.

Тсйёргарлик кўриш жабрланувчининг номусига тегиш учун жой ва унга зўрлик ишлатиш учун курул ва воситаларини тайёрланишида, яъни номусга тегиш жиноятини содир этиш ёки уни яшириш учун шарт-шароит яратиш ҳаракатларида ифодаланади.

Суиқасд эса, бевосита физиологик жинсий алоқани амалга оширишга йуналтирилган ҳаракатларда намоён бўлади, бироқ бунда жинсий алоқа шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга ошмайди. Номусга тегиш жиноятига суиқасд қилиш ҳақидаги масалани ҳал қилишда айбдор томонидан жабрланувчи билан жинсий алоқа қилиш мақсадида ҳаракат қилганлигини ва ушбу мақсадга эришиш мақсадида зўрлик ишлатилганлигини аниқлаш керак. Шундан келиб чиққан ҳолда номусга тегишга суиқасд қилишни шахснинг шаъни ва қадр-қимматига ва бошқа ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқлаш керак.

Икки ёки бир неча шахсга нисбатан номусга тегиш. Шахс зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчиларнинг ожизлигидан фойдаланиб, икки ёки ундан ортиқ жабрланувчилар билан жинсий алоқа қилса ва унинг қилмиши ягона касд билан қамраб олинган бўлса, айбдорнинг қилмиши Жиноят кодекси 118-моддаси иккинчи қисми «а» банди билан квалификация қилиниши зарур. Агар айбдор икки ёки ундан ортиқ шахснинг номусига тегиш ниятида бўлиб, аммо унга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра у жиноий ниятини охирига етказа олмаган ҳолларда (хусусан,

Date: 19th July-2026

биттасининг номусига тегади, иккинчисига эса улгурмайди) унинг қилмиши икки ёки ундан ортиқ шахсининг номусига тажовуз қилишга суиқасд сифатида (ЖК 25-м. ва 118-м. 2-қ. «а» банди) квалификация қилинади¹⁰

Ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсининг номусига тегиш. Айбдорга шахсининг ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги аён бўлган ҳолда унинг номусга тегиши Жиноят кодекси 118-моддаси тўртинчи қисми билан квалификация қилинади. Ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсга нисбатан номусга тегиш учун жиноий жавобгарлик, фақат, айбдор жабрланувчининг ёши туғрисида мазкур жиноятни содир этгунга қадар аниқ билган ҳолда келиб чиқади. Ўн тўрт ёшга тўлмаган жабрланувчи туғрисидаги маълумотлар вояга етмаган шахс ёшини аниқлашга нисбатан осонроқ кечади, чунки кўп ҳолларда қиз боланинг ташқи кўриниши ва унинг хулқ-атвори жабрланувчининг 14 ёшга тўлмаганлигини туғридан-туғри кўрсатиб туради. Шунинг учун ташқи кўриниши, боланинг физиологияси айбдор томонидан хато қилиш учун имкон қолдирмайди. Шу билан бирга, мазкур ҳолатда ҳам айбдор томонидан жабрланувчининг ёшига нисбатан йўл қўйилган объектив ҳатолик қилмишни Жиноят кодекси 118-моддаси тўртинчи қисми билан квалификация қилишни истисно этади.

Яқин қариндошга нисбатан номусга тегиш. Айбдорнинг ҳаракатларини Жиноят кодекси 118-моддаси учинчи қисми «б» банди билан квалификация қилишда Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимида баён этилган «яқин қариндошлар» тушунчасига асосланиш керак ва бунда мазкур тушунчани кенг шархлаш мумкин эмаслигини инобатга олиниши лозим.

Яқин қариндошлар деганда, қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, опа-ука ва опа-сингиллар. эр-хотин, фарзанд, шу жумладан, фарзандликка олинганлар, неваралар, шунингдек, эр-хотиннинг ота-онаси, ака-ука ва опа-сингиллари тушунилади. Шу муносабат билан зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки ожизлик ҳолатидан фойдаланиб, қариндошлар билан жинсий алоқа қилиш шахсни Жиноят кодекси 118-моддаси учинчи қисми «б» банди билан жавобгарликка тортиш учун асос булади.

Шахсининг ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда номусга тегиш. Айбдорга шахсининг ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги аён бўлган ҳолда унинг номусга тегиши Жиноят кодекси 118-моддаси учинчи қисми «а» банди билан квалификация қилинади. Номусга тегиш жиноятининг мазкур квалификацияга оид турида назарда тутилган ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсининг номусига тегиш 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган жабрланувчи қизларнинг ахлокий шаклланиши, жинсий нормал ривожланиши, уларнинг жинсий дахлсизлиги ва жинсий эркинлигига тажовуз қилади. Шунинг учун қонун чиқарувчи бу тоифадаги тажовуз учун оғирроқ

¹⁰Қаранг: *Рустамбаев МХ.* Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Махсус қисм. Т. 3: Шахсга қарш жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар: Олий таълим муассасалари учун дарслик. — Т., 2011. — Б. 139.

Date: 19th July-2026

жавобгарликни назарда тутган. Шу билан бирга, қонун субъектив ўзгариш принципи сифатида айнан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахснинг номусига тегиш каби айбнинг бевосита исботланишига урғу берган. Шу боис қонун нормасида «шахснинг ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда» деган иборани қўллаган. «Аён бўлиш» ибораси айбдор томонидан номусга тегиш жинояти содир этилгунга қадар жабрланувчининг ёши ҳақида аниқ билишини англатади. Айбдорнинг жабрланувчининг ёшини билишга нисбатан субъектив муносабатини аниқлашда айбдорнинг курсатмалари ва иш буйича барча ҳолатларни текшириш натижаларини инобатга олган ҳолда баҳолаш керак. Бунда бевосита жабрланувчининг жисмоний ташқи кўриниши, унинг айбдор билан булган муносабати вақтидаги хулқ-атвори, айбдорга ўз ёши ҳақида маълумот бериши каби ахборотлар ҳисобга олинади. Агар жиноят субъекти жабрланувчининг ёшига нисбатан ихтиёрий равишда янглишган бўлса, ундай ҳолда мазкур квалификация белги қўлла-нилмайди.

Шу нуқтаи назардан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсга нисбатан номусга тегиш учун жиноий жавобгарлик, фақат, айбдор жабрланувчининг ёши туғрисида мазкур жиноятни содир этгунга қадар аниқ билган ҳолда ёки жабрланувчининг ташқи киёфаси унинг ёшидан аниқ далолат берган ҳолда келиб чиқади. Судлар шуни инобатга олишлари лозимки, ўн саккиз ёшга тўлмаган (ЖК 118-моддаси учинчи қисми "а" банди ёки 119-моддаси учинчи қисми "а" банди) ёки ўн тўрт ёшга тўлмаган (ЖК 118-моддаси **тўртинчи қисми** ёки 119-моддаси **тўртинчи қисми**) шахсга нисбатан номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш жиноятини содир этганлик учун жиноий жавобгарлик, фақат, айбдор жабрланувчининг ёши туғрисида мазкур жиноятларни содир этгунга қадар аниқ билган (**қариндош, таниш, қўшни бўлган ва ҳ.к.**) ҳолда ёки жабрланувчининг ташқи киёфаси унинг ёшидан аниқ далолат берган ҳолда келиб чиқади.

